

Қиймати баланд олма



08:00 / 20.12.2020 3393

Солиҳ салафлардан бири қийин аҳволда қолди. Очликдан силласи қуриб, бир боққа кириб қолди. Қараса, дарахтда қип-қизил олма пишиб турибди. Қўлини чўзиб, олмани бир тишлади. Сўнг экинзор ёнидаги ариқ сувидан ҳовучига олиб ичди. Сўнг бирдан очлик сабаб унутган нарсаси эсига тушди: «Шўрим қурсин! Бировнинг мевасини рухсатсиз еб қўйдим!» деди. Кейин боғ эгасини топиб, еган олмаси учун розилик сўрашга аҳд қилди. Унинг уйини топиб, эшикни тақиллатди. Боғ эгаси чиққач, унга мақсадини тушунтирди: «Мен боғингизга кириб, ундаги бир олмани олиб, ярмини едим. Очликдан бировники экани эсимдан чиқиб кетибди. Шунинг учун сиздан ўтинаман, еган яримта олмамга рози бўлинг, хатоим учун кечиринг», деди. Боғ эгаси ўйланиб қолди. Сўнг шундай деди:

– Сендан сира рози бўлмайман. Фақат бир шарт эвазига рози бўлишим мумкин.

– Қанақа шарт?

– Бир қизим бор, ўшанга уйланасан.

– Майли, уйланаман.

– Фақат қизимнинг кўзи кўр, қулоғи қар, тили соқов.

Бу гапдан сўнг энди йигит ўйланиб қолди. Ниҳоят, «Майли, жаҳаннамда йиринг емасам бўлди. Рухсатсиз еб қўйилган олманинг жазоси шу экан-да! Беш кунлик дунё ўтиб кетар», деб ўйлади. Аллоҳдан савоб ва ажр умидида унга уйланишга рози бўлди.

Тўй куни яқинлашган сари йигитни ғам босаверди. У тинмай гапирмайдиган, кўрмайдиган ва эшитмайдиган аёл билан яшаш қанчалик қийинлиги ҳақида ўйларди. Қанийди ер ёрилса-ю, унга кириб кетса! Ниҳоят, Аллоҳга таваккул қилиб, «Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллааҳ! (Маъноси: Барча кучу қувват Аллоҳдадир) Албатта, биз Аллоҳга қайтгувчимиз», деди. Тўй кечаси юрак ютиб, қизнинг олдига кирди. Кирди-ю, қизнинг майин овоз билан «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ», деган сўзини эшитиб, турган жойида қотиб қолди. Жаннатдаги ҳурлардек гўзал бу қиз эшитар, кўрар ва гапирар эди! У нима дейишини билмай, «Бу қанақаси? Сиз кимсиз?» деди ва унга отаси айтган гапларини айтди. Қиз уялибгина: «Отам тўғри айтганлар», деди. «Қандай қилиб ахир?» деди йигит. Қиз деди: «Соқов деганлари шуки, мен ҳеч қачон ҳаром сўз айтмаганман, номаҳрамлар билан гаплашмаганман. Қар деганлари шуки, бирор марта ғийбат, чақимчилик ва беҳуда гаплар бўлган жойда ўтирмаганман. Кўр деганлари шуки, ҳеч қачон номаҳрам одамга қарамаганман». Кейинчалик бу оилада Нўмон исмли ўғил туғилади. У зот биз билган Имоми Аъзам Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собитдир.

«Солиҳлар гулшани» китобидан